# «Тошкент ҳақиқати» Почтасидан



● ОҚҚЎРҒОН районидаги «Ленинобод» колхози механизатори Эшпўлат Шоназаров айни йиғим-терим қизғин дамларда барчага ўрнак кўрсатиб меҳнат қилди. У доимо кунлик терим нормасини ортиғи билан бажариб, пешқадамлар сафида бўлди.

П. ЭРГАШЕВ фотоси.

## БАЛЛИ СИЗГА, АЗАМАТЛАР!



● УРИНГУЛ Раимқулова Бекобод районидаги Дзержинский номли колхознинг моҳир теримчиси. У уйган хирмон кун сайин юксалмоқда.

Суратда: (пастдан ўртада) Урингул Раимқулова.

М. ҚОРАБЕКОВ фотоси.

*



● Пискент районидаги Охунбобоев номли колхоз меҳнат ветеранлари йиғим-теримда фаол қатнашиб, районда планнинг бажарилишига арзигулик ҳисса қўшдилар. Суратда: (чапдан) пенсионерлар бригадаси бошлиғи Солиқул ота Абдуқулов, Эргаш ота Каримов, Умар ота Обидов, Мамасоли ота Воҳидовлар пахтазорда.

А. ИКРОМОВ фотоси.

# БЕБАҲО БОЙЛИКНИ АСРАНГ!

Гўзал табиатнинг саҳовати чексиз. Шу наботот оламисиз инсон ҳаётини тасаввур этиш асло мумкин эмас. «Инсон ва табиат» тушунчалари моҳият эътибори билан бир бутунликни ташкил этади. Одамзод табиат, обиҳаёт, унинг бебаҳо бойликларидан баҳра олиб яшайди. Шу сабабли ҳам биз она табиатни жон-дилдан севамиз, юксак даражада эъзозлаймиз, кўз қорачиғидек асраймиз.

Кишилар ўзлари яшаётган ўлканинг яшил бойлигига қадимдан меҳр-муҳаббат қўйишган. Тарихчи ва географларнинг маълумот беришларича, Ўрта Осиё ерларида боғ ва ҳиёбонлар кўп бўлган. Табиат ихлосмандлари меҳри билан манзарали дарахтлар, гул ва шу каби бошқа ўсимликлар барқ уриб яшнаган.

Эрамизнинг бошларида эса Ўрта Осиёга чет эллардан кўплаб хил ноёб дов-дарахтлар олиб келинган. Масалан, чинор дарахти кўчати Эрондан ва Кичик Осиёдан келтирилиб, ўлкамизда иқлимлаштирилган. Кейинчалик Италия қайрағочи, лола, хурмо каби чет эл манзарали дарахтлари ҳам серқуёш республикамиз иқлимига мослаштирилди. Бундай кузатишларни олиб боришда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ботаника боғи самарали ишларни амалга оширди. Эндиликда ўзбек диёри ўзининг ранг-баранг ва гўзал ўсимликлар оламига эга.

Ҳозир биргина Тошкент области территориясида икки мингга яқин олий турдаги ўсимлик намунасини учратиш мумкин. Табиатнинг кўрки ҳисобланган 20 дан ортиқ ноёб ўсимлик хили «СССР Қизил китоби»га ёзилганлигини эслатиб ўтмоқчимиз. Варақлари қизил, кўк ва яшил рангда бўлган мазкур баобрў нашрга бир областдан шунча камёб ўсимлик ҳақидаги маълумотларнинг киритилиши қувонарли ҳолдир.

«Қизил китоб»да қир-адрлар ва тоғ этакларида ранго-ранг товланиб барқ уриб ўсаётган Грейга лоласи, Кауфман лоласи, Псков пиёзи ва бошқа дилга ҳузур бахш этувчи яшил бойликларнинг расмлари ҳам берилиб, улар ҳақидаги маълумотлар ҳамда кўпайиш йўллари баён қилинган. Алоҳида рўйхатга олинган бу ўсимлик турлари асосида Тошкентдаги Ботаника боғида ноёб коллекция тузишга киришилди.

«ТАБИАТ ВА ИНСОН» КОНКУРСИГА

Йўлингиз тушиб, Бурчмулла қишлоғига борган бўлсангиз, катта булоқ ёнида тарвақайлаб кетган азамат чинорни кўргансиз. Ерлик аҳоли уни Шарқ чинори деб атаб келади. Ён-атрофига қуюқ соя ташлаб турган бу бақувват дарахт 700 ёшга кирди. У ҳамон ям-яшил. Бу қадимий наботот ёдгорлиги узоқдан кўзга кўриниб туради. Давлат муҳофазасига олинган ушбу умрибоқий дарахт ҳам «СССР Қизил китоби»га ёзилди.

Эски Хўжакент қишлоғида чуқур илдиз отган чинор эса бундан ҳам зиёд яшаган. 800 йилдирки, у қишлоққа файз бахш этиб турипти. Ноёб яшил бойлик сифатида у «Қизил китоб»га киритилган.

Мағрур қад ростлаган қайрағочлар ҳам эътиборни ўзига тортади. Шулардан бири Бекобод районида макон топган. «1-Далварзин» совхозига кираверишдаги муюлишда катта йўл ёқасида яшнаб турган бу сарвқомат дарахтни кўриб, табиат мўъжизасига қойил қоласан, киши. Унинг шох ва новдалари нафис қайчилангандай бежирим шаклга кирган. Бу ажойиб манзарадан кўз қувонади. Адл қайрағочнинг кўкка бўй чўзганига уч юз йилдан ошди.

Ҳозир республикамизда доимий яшиллик рамзи — арчанинг бир неча ноёб тури мавжуд. «Зарафшон арчаси» деб номланган ям-яшил дарахтнинг ўзига хос қатор хусусиятлари бор. У ҳам кўп йиллардан бери яшнаб турибди. Паркент районидаги «Сўқоқ» дам олиш уйи яқинида унча катта бўлмаган майдонни ишғол этувчи арчазор кўзга ташланади. Бу ерга 20 туп зарафшон арчаси жамланган. Уларнинг ҳар бири 180 ёшда.

Шуниси характерлики, бу арчалар денгиз сатҳидан минг метр баландликда чайқалиб турибди. Ваҳоланки, бундай юксакликда ўсаётган дарахтларни бу ердан бошқа жойда учратмайсиз. Бу эса арчазорнинг илмий аҳамиятини янада оширади, албатта.

Тўрт юз ёшга кирган яна бир чинор эса «Чорвоқ» совхози территориясида бўй чўзган. Унинг ўзига хос хусусиятлари, боқий умр кўриш «сир»лари ўрмоншунослар учун маълум тадқиқот объекти бўлиб қолди.

Қадимий ноёб дарахтлар давлат муҳофазасига олиниб, улар ёнига табличкалар ўрнатилган. Уларга ўша дарахтларнинг номи, тури, тахминий ёши ёзиб қўйилган. Яшил табиатнинг кўрки бўлган бундай камёб наботот намуналари халқимиз томонидан бундан кейин ҳам доим эъзозлаб сақланади.

А. АЛИЕВ,
СССР Журналистлар союзининг аъзоси.

ОҲАНГАРОН РАЙОН ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

## ДОИМИЙ КОМИССИЯ ҲИСОБОТИ

Кейинги йилларда районда ободонлаштириш ишлари кўлами кенгаймоқда. Жумладан, Г. К. Жуков, С. М. Будённий номли совхозлар, «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхоз-саноат комплексининг марказий қўрғонлари таниб бўлмас даражада кўркамлашди.

Ободончилик ишларини амалга оширишда район Советининг ободонлаштириш, уй-жой, коммунал хўжалиги ва йўл қурилиш доимий комиссиясининг роли сезиларли бўляпти. Район Советининг яқинда бўлиб ўтган сессиясида мазкур доимий комиссия раиси М. Гольденберг ҳисобот берди.

Сессияда доимий комиссиянинг амалга оширган ижобий ишлари таҳлил этилиб, унинг келгусида амалга оширилиши зарур бўлган тадбирлар белгиланди.

## САЙЛОВЧИЛАР НАКАЗЛАРИ БИЛАН

Маҳаллий Советларга бўлган ўтган сайловлардан сўнгги давр мобайнида депутатларга берилган 220 наказнинг деярли ярми бажарилди. Сайловчиларнинг наказлари бўйича «Ғаллақудуқ» совхозида ва С. М. Будённий номли совхозда 280 ўринли болалар боғчалари, Нуробод посёлкасида 1176 ўринли мактаб ва амбулатория, «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхоз-саноат комплексида автобус бекатлари, Қорахитой қишлоғининг марказий кўчаси электрлаштирилди.

Район ижроия комитети депутатларнинг сайловчилар наказларини муддатида ва тўлиқ бажаришларига алоҳида эътибор бермоқда. Жумладан, район Советининг сессияларида депутатларнинг ўз бурчларини қандай бажараётганликлари тўғрисидаги ахборотлари мунтазам эшитиб борилмоқда.

## ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Район ижроия комитети йил бошида кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг сифатини янада яхшилаш ҳақида қарор қабул қилган эди. Мазкур қарорнинг ижроси назорат қилиб борилди ва натижада кенг истеъмол моллари тайёрлаш кўпайди.

Жумладан, Эйвалек комбинатида ўтган ойларда пландаги 38 минг сўмлик ўрнига 41 минг сўмлик, ўрмон хўжалигида пландаги 32,8 минг сўмлик ўрнига 57 минг сўмлик, район маиший хизмат кўрсатиш комбинатида пландаги 673 минг сўмлик ўрнига 751 минг сўмлик кенг истеъмол буюмлари тайёрланди.

## ДЕПУТАТЛАР СИРТДАН ЎҚИЙДИЛАР

Ўтган йили район ижроия комитети қарори билан «Оҳангарон» газетаси саҳифаларида «Халқ депутати сиртқи мактаби» ташкил қилинган эди. Ўтган давр мобайнида сиртқи мактабнинг ўнта машғулоти ўтказилиб, ўқув йили ниҳоясига етди. Унда район ижроия комитети ва унинг бўлимлари ҳамда қишлоқ Советлари ижроия комитетлари раислари ўз маъқолалари билан иштирок этиб, уларда депутатларнинг бурчлари ва вазифалари, СССР Озиқ-овқат программасини амалга оширишдаги иштироки ҳақида фикр юритдилар. Ҳадемай сиртқи мактабда навбатдаги машғулотлар бошланади.

О. ХУШНАЗАРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

ГАЗЕТХОН ИЛҲОМЛАРИ

## ТОШКЕНТ ШЕРЛАРИ

Пайкалларда момиқ
чаноқлар,
Пайкалларда қизил
байроқлар,
Пайкалларда нурли
чироқлар,
Иш бошида машъал, елиб,
югуриб,
«Оқ олтин»ни тез, тоза
териб,
Қилар ғайрат Тошкент
шерлари,
Қилар меҳнат Тошкент
шерлари.

Бўлиб пешвоз бу йил
мавсумда,
Шон ва зафар қучиб
теримда,
Олтин билиб ҳар дам,
фурсатни,
Сусайтирмай журъат,
суръатни
Жанговор руҳ қаттиқ
шиддатни,
Яқин келиб қутлуғ
муддатни
Топар ҳурмат Тошкент
шерлари,
Топар иззат Тошкент
шерлари.

сақлаб,
Чин дўстликнинг нелигин
оқлаб,
Ҳар мисқол дур учун
майдонда,
Муқаддас бурч учун
хирмонда,
Тер тўкишар жасорат
билан,
Дур тўкишар маҳорат
билан,
Олий ҳиммат Тошкент
шерлари,
Олий хислат Тошкент
шерлари!

Ҳар дақиқа, минут
ғанимат,
«Ҳаракатда, — дерлар, —
баракат»,
Ғолибликни бермасдан
қўлдан,
Бошқаларни бошлаб шу
йўлдан,
Кўрсатарсиз улкан
шижоат,
Қаҳрамонлик, сабр,
матонат,
Балли, раҳмат Тошкент
шерлари,
Юртга мадад Тошкент
шерлари!

Ўроқ-Болға бирлигин

Искандар РАҲМОНОВ.

## БИЗДАДУР

Бу оламда тенги йўқ роҳатли гулзор биздадур,
Қадди зебо дилбару, саври санобар биздадур.
Тупроғимда илдиз отган ҳар дарахт бергай самар,
Дастурхонга кўрк берувчи қанду шакар биздадур.
Она ерда унган ҳосил обод диёрим зийнати,
Роҳатижон бу чаман шўхи дилобар биздадур.
Хирмон-хирмон «оқ олтин»дир—эл ғурури, эл фахри,
Меҳнату роҳат ила ул оби кавсар биздадур.
Ёр қошимда бўлмаса гар оламни кўрмас кўзларим,
Сен билан оламда бўлган дури гавҳар биздадур.
Чин фарзандлик орзусида ёнгай Расулий ҳар қачон,
Юрт маъмур, эл бахтиёр, инсонпарвар биздадур.

Султон РАСУЛИЙ,
ишчи.

## ИНТИЗОМ МУСТАҲКАМЛАНГАНЛИГИ ТУФАЙЛИ

Ғалаба районидаги 3-қишлоқ қурилиш комбинати коллективи зиммадаги топшириқларни мунтазам ошириб бажармоқда. Коллективнинг меҳнат зафарларида кейинги даврда меҳнат интизомининг тобора мустаҳкамланиб бораётганлиги муҳим роль ўйнайди. Ҳозир бу коллективда ишга кечикиб келиш, прогул қилиш каби ҳолларга мутлақо чек қўйилди. Эдуард Пак, Николай Донских, Леонид Ли бошлиқ бригадалар азаматлари энг юқори кўрсаткичларни қўлга киритмоқдалар.

З. ИСРОИЛОВ.

## ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИКДАН 18 ТОННА ГЎШТ

Қишлоқ Совети территориясида бир неча минг аҳоли яшайди. Уларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларидан қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари харид қилиш ҳажмини йил сайин кўпайтириб бормоқдамиз.

Бу йил ҳам ўнлаб хонадонларга қимматбаҳо буюмлар ва пул мукофотлари топширдик. Чунки қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилишимиз янада кўпайди. Ҳозиргача аҳолидан 18 тонна гўшт, 330 тонна сут, 100 тонна мева сотиб олдик. Бу планда белгиланганига қараганда анча кўпдир.

Қишлоқ Советимиз депутатлари ва жамоатчи активлар билан бамаслаҳат имкониятларимизни қайтадан чамалаб чиқдик. Йил охиригача яна 30 тонна сут сотиб олиш мажбуриятини қабул қилдик.

З. КОМИЛОВА,
Оржоникидзе районидаги Тузель қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖАМОАТЧИ КОНСУЛЬТАЦИЯ БЮРОСИДАН

## САВОЛЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

**Газетхонларнинг саволларига Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг штатсиз ходими, «Тошкент ҳақиқати» жамоатчи консультация бюросининг аъзоси, юрист А. Ҳасанов жавоб беради.**

* * *

**САВОЛ: ойига 120 сўмдан пенсия оламан. Айтингчи, агар мен қариялар уйида яшасам пенсиямга таъсир қиладими?**

**Х. СОБИРОВ,**
**пенсионер.**

**ЖАВОБ:** махсус низомнинг 175-бандига асосан қария ва инвалидлар учун мўлжалланган уйларда яшаётган пенсионерларга тайинланган пенсия пулининг ўн проценти миқдорида, аммо 5 сўмдан кам бўлмаслиги шарти билан берилади.

Агар пенсионерларнинг қарамоғида меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари бўлса у ҳолда бир оила аъзоси учун пенсиянинг тўртдан уч қисми, икки киши бўлса учдан бир қисми, уч ва ундан ортиқ киши бўлса пенсия пулининг ярми тўланади. Бордию қариялар уйида истиқомат қилаётган пенсионерлар устахона, ёрдамчи хўжаликларда ишлаётган бўлсалар уларнинг иш ҳақи пенсия тўлашда ҳисобга олинмайди.

* * *

**САВОЛ: мен пенсияга чиққанимдан кейин яна бироз ишламоқчи бўлдим. Ҳозир корхонада ишлаганимга уч ой бўлди. Энди бўшаш учун ариза берсам маъмурият менинг яна икки ой ишлаб беришим кераклигини айтди. Шу тўғрими?**

**Қ. БОТИРОВ,**
**пенсионер.**

**ЖАВОБ:** ҳа, тўғри. Чунки сиз маъмурият билан номуайян муддатга шартнома тузгансиз. Амалдаги қоидага кўра номуайян муддатга шартнома тузган пенсионерлар ҳам бошқа ходимлар сингари ишдан бўшашдан икки ой илгари муассаса, корхона, ташкилотнинг маъмуриятига ёзма равишда хабар қилиши керак.

* * *

**САВОЛ: ҳарбий хизматга чақирилганимга икки ой бўлди. Алоқа бўлими хизматидан солдатлар бепул фойдаланадилар, дейишади. Айтингчи, солдатларга алоқа хизматидан фойдаланишда қандай имтиёзлар мавжуд?**

**Х. САФИУЛИН,**
**ҳарбий хизматчи.**

**ЖАВОБ:** ҳарбий хизматдагилар, ҳарбий хизматдан истеъфога чиққанлар ва уларнинг оилалари учун имтиёзлар ҳақидаги низомнинг 67-69-бандларига биноан муайян муддатга ҳарбий хизматга чақирилган солдат, матрос, сержантлар ва старшиналар томонидан ҳарбий бўлинма орқали жўнатилган хатлар бепул юборилади.

Шунингдек, солдатлар томонидан юборилган хатлар ҳам бепул жўнатилади. Ҳарбий хизматга чақирилган гражданларнинг шахсий кийимлари ҳам ўз уйларига почта орқали бепул жўнатилади. Солдат, матрос, сержант ва старшиналар юборган қўшимча посилка ёки уларга юборилган посилкалар айрим сабабларга кўра қайтариб юборилса ҳам ҳақ олинмайди.

## КИТОБ ҚИЛСА АРЗИЙДИ

Халқимиз кулгисевар, азалдан ҳазил-мутойиба шайдоси. Шунинг учун Насриддин Афандидек севимли қаҳрамонимиз бор. Унинг ичакузди латифалари асрлар давомида оғиздан-оғизга ўтиб келмоқда.

Хўжа Насриддинга Бухорода ҳайкал қўйилди. Афанди ҳақида китоб чиқарилди. Халқ қаҳрамони тўғрисида бадиий фильмлар яратилди. Буларнинг ҳаммаси мақтовга лойиқ хайрли ишдир. «Муштум» журнали саҳифаларида Насриддин саргузаштлари ҳақида янги-янги латифалар кўпайиб бормоқда. Халқ орасида ҳам шу каби латифаларни эшитиш мумкин.

Уларнинг аксарияти ибратли, кишига эстетик завқ-шавқ бағишлай олади. Шундай экан, афанди латифаларининг замонавийлари ҳамда энг яхшилари саралаб борилса, алоҳида тўплам ҳолида чоп этилса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ҳ. ТЕМИРОВ,
Янгийўл райони.

БИЗГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

## «30 КИЛОМЕТР — САККИЗ КУНДА»

**«Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесари И. Зиминнинг юқоридаги сарлавҳали хабарида Чирчиқдаги алоқа бўлими ходимлари адресига танқидий фикр билдирилган эди.**

**Ушбу танқидий хабар юзасидан область алоқа ишлаб чиқариш-техника бошқармаси бошлиғининг ўринбосари П. Намдан редакцияга жавоб келди. Унда айтилишича, хабарда билдирилган эътирозлар текширишда тўла тасдиқланган. Алоқа бўлими ходимларининг айби билан ўртоқ И. Зиминнинг хати жўнатилмай почтада 3 кун туриб қолган.**

**Чирчиқ алоқа бўлимининг бошлиғи Ченриченко хатларни кўздан кечириб, уларни ўз муддатида жўнатиш тартибини яхши йўлга қўймаганлиги ва назоратни бўшаштириб юборганлиги учун қаттиқ огоҳлантирилди.**

БИР ХАТ ИЗИДАН

# БОШИ БЕРК КЎЧАМИ?

**ОИЛАМИЗГА 1974 йили турмуш ўртоғим Илёс Ғиёсов шофёр бўлиб ишлайдиган 5-автобус парки томонидан 2 хонали, яшаш майдони 29,6 квадрат метрли уй берилган эди. Ўша даврда бизнинг икки қизимиз бор эди. 1975 йили яна бир қиз ва 1977 йилда ўғил кўрдик.**

**Фарзандларимиз тўрт нафар бўлгач уйимиз торлик қилиб қолди. 1977 йилдан бошлаб биз уй-жойимизни кенгайтиришда ёрдам сўраб турли ташкилотларга бир неча маротаба мурожаат қилдик. Бироқ шу кунгача бу масала ҳал бўлгани йўқ.**

**Фарзандларимизнинг учтаси мактабга, биттаси боғчага қатнайди. Бироқ уларнинг дарс тайёрлашлари, яйраб ётиб-туришларига имконият йўқ, жой жуда тор. 6 киши икки хонада яшаяпмиз. Бунинг устига, ўзимнинг ҳам соғлиғим яхши эмас, доим врачлар назоратидаман.**

**Аҳволни ҳисобга олиб, ёрдам беришар деган умидда эдик. Лекин ўз иш жойимда мени ҳатто уй-жойга навбатда турганлар рўйхатига ҳам олишмади. «Сиз эрингизнинг ишхонаси орқали уйингизни кенгайтириб олишингиз керак» деган жавоб беришди. Чилонзор район ижроия комитетида ҳам рўйхатга олишдан бош тортдилар. Улар ҳам уйни кенгайтириш 5-автобус парки томонидан амалга оширилади, деган важни айтишди.**

**Хуллас, қаерга, кимга мурожаат қилишга ҳайронмиз. Агар шароит бизни мажбур этмаганда, асло қўшимча жой сўрамаган бўлардик. Уни кенгайтиришнинг эса ҳеч қандай «истиқболи» кўринмаяпти. Ёрдам беринг.**

**Х. ҒИЁСОВА,**
**Тошкент «Электробитприбор» заводининг ишчиси.**

Энди илтимосни «ҳал қилиш» жараёни билан танишайлик. Мана, **Чилонзор район ижроия комитетининг жавоби:**

Ишчи, кўп болали она Х. Ғиёсованинг илтимоси бўйича халқ депутатлари Чилонзор район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари А. Панкратов билан суҳбатлашдик. Қўлимизда у имзо чеккан, Х. Ғиёсованинг аризасига жавобан ёзилган қуйидаги хат бор эди: «Район Совети ижроия комитети Сизнинг Тошкент шаҳар ижроия комитетидан келган аризангизни кўриб чиқди. Шуни маълум қиламизки, ижроком турар-жой олиш учун фақат Улуғ Ватан уруши инвалидларини, ҳалок бўлган жангчилар оилаларини ва эски уйларда яшаётган гражданларни рўйхатга олади.

Бошқа категориядагилар ўзларининг иш жойларида навбатга турадилар. Сизга «Электробитприбор» заводида навбатга туришингизни тавсия қиламиз.

Район Совети ижроия комитети Сизнинг илтимосингизни қондириш имкониятига эга эмас».

— Тўғри, бу жавоб хатига мен имзо чекканман, — дейди Анатолий Алексеевич суҳбатни давом эттириб. — 1971 йилгача райижрокомда кўпчилик навбатда турар эди. Ўша йили гражданлар турар-жой олиш ва кенгайтириш учун ўз иш жойларида навбатга туришлари лозимлиги ҳақида қарор чиқди. Юқоридаги жавоб хатида ёзилган ҳамма гап қонуний.

**«Главташпассавтотранс»дан олинган жавоб:**

— «СИЗНИНГ (аризачи И. Ғиёсовнинг) турар-жойингизни яхшилаш бўйича юқори ташкилотга ёзган аризангиз «Главташпассавтотранс»да кўриб чиқилди. ...Сиз 1981 йилда навбатга ёзилгансиз ва ҳозир рўйхатда 9-бўлиб турибсиз. Квартира олиш учун сиздан олдин 8 киши турибди. Шундан бир киши 1970 йилдан, охирги уч киши 1980 йилдан.

Юқоридагиларга кўра, Сизга квартира фақат навбат тариқасида берилади. 5-автобус парки маъмурияти ва касаба союз комитети билан алоқа боғлаб туришингизни илтимос қиламан».

**5-автобус парки маъмуриятининг жавоби:**

— АВТОПАРКИМИЗНИНГ ўз турар-жой фонди йўқ, — дейди директор Ў. Ражабов. — Бизга охирги квартира 1978 йилда берилган. Шундан буён ҳали ҳеч ким квартира олмади. Яқин келгусида ҳам квартирадан умидимиз йўқ. Мен Ғиёсовларга кооперативга аъзо бўлишларини тавсия қилдим, лекин улар пули йўқлиги учун рад этишди. Бошқа ҳеч қандай ёрдам қўлимдан келмайди.

**«Электробитприбор» заводининг директори П. Мирзаев билан суҳбат:**

— ҲА, бу аризадан хабарим бор. Х. Ғиёсовани турар-жой олувчилар рўйхатига олмаганимиз рост. Чунки, заводимизда ҳозир ўттиздан ортиқ одам навбатда туриб ди. Корхонамизнинг турар-жой фонди йўқ. Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги томонидан заводга охирги марта 1981 йилда иккита квартира ажратилган эди. Шундан буён бирон квадрат метр турар-жой олганимиз йўқ. Бу аҳволда 30 кишини фақат 10—15 йилда квартира билан таъминлаш мумкинлиги ўзингизга аён. Шунинг учун ҳам Х. Ғиёсовага навбатга ёзилиб умидвор бўлмасликни маслаҳат бердик.

РЕДАКЦИЯДАН

**Аризачи Х. Ғиёсованинг илтимосига биноан ташкилотма-ташкилот юриб, охири боши берк кўчага кириб қолдик. Юқорида номлари келтирилган ташкилот раҳбарларининг жавоблари бир қарашда ўринлидек, асослидек туюлади. Лекин аслида шунақамикан? Райижроком рўйхатга олмас экан. 5-автобус парки ва «Электробитприбор» заводида яқин беш-ўн йил ичида Ғиёсовларнинг квартира ололмаслиги «ойнадек равшан» экан. Ҳолбуки, уларнинг яшаш шароити яхшиланиши зарур бўлиб қолди. Хўш, ҳақиқатан ҳам улар нима қилишлари керак? «Йўқ»дан кўра бирон ёрдам беришнинг иложи йўқмикан? Бизнингча, илож топса бўлади. Ана шундай иложни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети топишга ёрдам беради, деган умиддамиз.**

## ЧЎТКА ИЗЛАБ...

Совун кўпиртириш учун ишлатиладиган чўткам яроқсиз бўлиб қолди. Нима қилиш керак? Албатта янгисини олиш лозим.

Ҳамма гап мана шу янгиси ҳақида. Кимга ёлғон, лекин ўзимга рост, ана шу арзимас нарсани қидириб, Тошкентдек шаҳри азимдаги деярли барча магазинларга кириб чиқдим. Ҳамма жойда сотувчилардан биргина жавобни эшитдим: «Йўқ!».

Ана сизга муаммо, «камёб» мол. Наҳотки шу арзимас нарса билан савдо шохобчаларини таъминлаш қийин бўлса. Тошкент шаҳар бош савдо бошқармаси савдо тармоқларига қачон чўтка келишини аниқ айтиб беролмасмикин?

Т. ҲАМИДОВ,
Янгийўл шаҳри.

